

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

<b>А.Юсупов</b>	
ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари .....	106
<b>И.Боҳодиров</b>	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти .....	112
<b>С.Холиков</b>	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни.....	118
<b>А.Юлдашов</b>	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари.....	122
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>А.Сабирдинов</b>	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати .....	126
<b>Д.Қаландарова</b>	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида .....	129
<b>Н.Сабиров</b>	
Москва савдо компанияси Лондон токирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси.....	134
<b>А.Абдурахмонов</b>	
Насрий асарда ранг – лейтмотив .....	137
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>О.Латипов</b>	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти.....	140
<b>Я.Нишанов</b>	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари .....	146
<b>Ш.Искандарова, З.Маруфова</b>	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши .....	150
<b>М.Турсунова</b>	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи .....	153
<b>Т.Алимов</b>	
Таржима назарияси ва амалиёти.....	157
<b>М.Сайдова, Н.Расулова</b>	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили .....	161
<b>ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Оиладаги ижтимоий мухит ва гендер тенглик .....	166
<b>Б.Ходжаев</b>	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги .....	172
<b>Г.Назарова</b>	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари .....	176
<b>Г.Алимжонова</b>	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари.....	182
<b>ИЛМИЙ АҲБОРОТ</b>	
<b>Б.Абдуганиев, Н.Азимова</b>	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш .....	186

УДК: 371+7.034

ЯНГИ РЕНЕССАНС ПЕДАГОГИКАСИ ВА АБДУЛЛА АВЛОНӢ ПЕДАГОГИК  
ҚАРАШЛАРИНИНГ УЙГУНЛИГИ

ПЕДАГОГИКА НОВОГО РЕНЕССАНСА И ГАРМОНИЧНОСТЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
ВЗГЛЯДОВ АБДУЛЛЫ АВЛONI

COMPATIBILITY OF THE RENAISSANCE PEDAGOGY AND  
ABDULLA AVLONI'S PEDAGOGICAL VIEWS

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ходжаев Бегзод Худойбердиевич

– Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, узлуксиз таълим педагогикиаси ва менежменти кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

*Аннотация*

Мақолада муаллиф янги Ренессанс педагогикиаси ва жадид маърифатпарвари, атоқли педагог Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашларидағи ўзаро уйғунликнинг қиёсий таҳлилига эътибор қаратган. Абдулла Авлоний қарашлари ва замонавий таълим-тарбия уйғунлиги компарativистик ёндашув асосида очиб берилган.

*Аннотация*

В статье автор обращает внимание на сравнительный анализ педагогики нового Ренессанса и гармоничность педагогических взглядов выдающегося просветителя-джадидиста, педагога Абдуллы Авлони. Сочетание взглядов Абдуллы Авлони и современного образования раскрывается на основе компартивистского подхода.

*Annotation*

In this article, the author focuses on a comparative analysis of the harmony between the pedagogical views of the new Renaissance pedagogy and the modern educator, the famous educator Abdullah Avloni. The combination of Abdullah Avloni's views and modern education is revealed on the basis of a comparative approach.

**Таянч сўз ва иборалар:** педагогика, Ренессанс педагогикиаси, таълим, тарбия, педагогик қараш, ахлоқ, маърифат, маънавий тарбия.

**Ключевые слова и выражения:** педагогика, педагогика Ренессанса, образование, воспитание, педагогический взгляд, этика, просвещение, духовное воспитание.

**Key words and expressions:** pedagogy, Renaissance pedagogy, education, upbringing, pedagogical outlook, ethics, enlightenment, spiritual upbringing.

Миллий ўзликини шакллантирадиган учлик – ўтмиш, бугун ва келажак ҳамма даврларда ҳам замоннинг зиёлилари, халқнинг келажаги учун қайғурадиган фидойиларнинг дикқат марказида бўлиб келган. Айни кунда ҳам бу ҳақиқатни янада теран англаш, янги ривожланиш босқичида миллий бой тажрибадан самарали фойдаланиш масаласига давлат даражасида катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимиий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қуевватлашимиз лозим. Буюк аллома ва адилларимиз, азиз-авлиёларимизнинг

бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришига алоҳида эътибор қаратишимиш керак”лиги ҳақидаги фикрлари бунинг ёрқин исботидир.

Аввало, Ренессанс педагогикиаси тарихига қисқа назар ташласак.

Ўзбекистон ҳудудида **биринчи Ренессанс педагогикиаси** IX-XI асрларни ўз ичига олиб, бу даврда нафақат Шарқ, балки Фарбда ҳам педагогик фикрларнинг ривожланишига учун катта ҳисса кўшган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний каби олимлар фаолият юритишган. Европа ва Америкада XX асрнинг 50- йилларида пайдо бўлган **инсонпарварарлик педагогикиаси**

## ПЕДАГОГИКА

**аслида илк Уйғониш даври педагогикасининг туб моҳияти ва негизини ташкил этган.**

Масалан, **Форобий** ўзининг ижтимоий ғояларига кўра ниҳоят даражада тараққийпарвар ва инсонпарвардир. У инсонга ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ва одамлар орасидаги инсонпарвар муносабатлар уларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ва ўзаро бирлашуви асосида юзага чиқади, деб ҳисоблайди. Форобийнинг фикрича, инсоннинг тақдири аввалдан белгиланган эмас, ҳар бир шахс ўз ихтиёрига биноан фаолият кўрсатиб, ўз баҳтини ўзи яратади, тақдирини ўзи ҳал этади. Яратилишда инсонлар бир хил, лекин тарбия, муҳит таъсири остида улар ўзгарадилар. Олим бу ўринда тарбияга катта аҳамият беради. **Форобий томонидан тасниф қилинган комил инсонга хос ўн икки хислат** бугун ҳам умуминсоний қадрият сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

**Ибн Сино** инсон имкониятларига ишонувчи, ақлни ҳар томонлама ривожлантиришга ва ҳақиқатни билишга ундовчи инсонпарвар донишманд эди. У таълим ва тарбиянинг мақсади – нафақат ўзи учун, балки бошқалар учун ҳам қайғурадиган, инсонийлик, ҳақиқий дўстлик, босиқлик, кучли ирода, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларга эга бўлган инсонни шакллантиришdir, деб ҳисоблайди.

**Ибн Сино** “Ҳикмат булоқлари” асарида ўзидан олдинги ва ўз давридаги табиий фанлар ҳамда фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда, шундай бир педагогик таълимот яратди, бу таълимот ўрта аср Шарқидаги назарий билимларнинг энг юқори чўққисига кўтарилиди. Олим педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини куйидагича таърифлайди: “Бу фан шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақатгина ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак”.

Инсонпарварлик педагогикасининг ривожланишида **Абу Райхон Берунийнинг** ҳиссаси бекиёсдир. Инсонни ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудот деб ҳисоблаган олим ахлоқийлик ва меҳнатсеварликни

шахсдаги инсоний қадр-қимматнинг асосий мезонлари сифатида белгилайди.

**Берунийнинг мероси – ўзида таълим ва тарбия мазмунини, илм-фанга оид ғоят қимматли ғояларни ўз ичига олган мислсиз илмий назариялар тўпламидан иборат.** Улар орасида эгалланган билимнинг амалий қулланилиши, мотивация ва билишга эҳтиёж, инсоннинг ўз дунёкарашини ўстиришга интилишига оид фикрларга асосий ургу берилган.

**Иккинчи Ренессанс педагогикасининг** пайдо бўлиши ва тараққиёти Амир Темур ва темурийлар салтанати билан боғлиқдир. Бу даврда яшаб, ижод қилган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобурларнинг фаолияти ва илмий-педагогик қарашлари ғоят таҳсинга сазовордир.

Мирзо Улуғбек ўз даврида учта (Бухорода, Самарқандда, Фиждувонда) мадраса қурдириб, олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилган. **Мирзо Улуғбек мадрасаларида таълим олиш уч босқични** (анда, ауст, аъло) ўз ичига олиб, диний ва дунёвий билимларни мукаммал ўргатувчи чинакам маънодаги олий таълим муассасаси намунаси бўлган. Эътибор қаратилса, бугун жаҳонда олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш босқичларининг (бакалавр, магистр, докторантурা) ёрқин намунасини **Мирзо Улуғбек томонидан илк бор амалга оширилганлигига** гувоҳ бўлиш мумкин.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб, “Назмул жавоҳир” каби асарлари чинакам маънодаги педагогик асарлардир. Ҳазратнинг ўз даврида мактаб ва мадрасалар қурилишига ҳомийлик қилиши бугунги кун таъбири билан айтганда, таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикчиликнинг ёрқин намунасидир.

Алишер Навоий ижодида ёш авлод маънавий камолоти ва маърифат масалаларига бағишлиланган асарлар катта ўрин тутиши маълум ҳақиқатдир. “**Бадойеъ ул-бидоя**” девони дебочасидаги “Девоне топилғайким, анда маърифатомуз бир ғазал топилмағай. Ва ғазале бўлгайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, ҳуд аср су бехуда заҳмат ва зоъе машаққат тортилғон бўлғай”, – деган эътироф ҳам улуғ

шоирнинг тарбиявий масалаларга катта аҳамият берганини тасдиқлади.

Бу даврда Захириддин Мұхаммад Бобур томонидан қатор педагогик асарлар яратилган бўлиб, “Бобурнома” табииёт, “Хатти Бобурий” саводга ўргатиш, “Мубайин” фикҳ илми, “Ҳарб иши” ҳарбий таълимимга бағишинган.

Учинчи Ренессансга эришиш ўз навбатида, **янги Ренессанс педагогикасини** яратишни талаб этади. Бу эса, миллий Уйғониш педагогикаси атоқли вакилларининг илмий-педагогик, адабий меросини чукур ўрганиш, инновация ва тарихий тажриба ўртасидаги ворисийликни ҳисобга олишни тақозо этади. **Миллий Уйғониш педагогикасининг асосчиларидан бири Абдулла Авлонийдир.**

Маълумки, жадидларнинг асосий мақсадини “Түркистонни фақат илму-маърифатгина ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий таълимикдан халос этади”, деган бош ғоя ташкил этган. Ана шу сабабли улар ўз ғояларини халқ ичидаги кенг тарғиб қилиш мақсадида она тилида таълим берадиган янги усул мактабларини очишган, мактаблар учун дарслерлар ёзишган, газета-журналлар чоп эттиришган, театр труппаларини ташкил этишган. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига инновацияларни жорий этиш йўлида жонбозлик кўрсатишган. **Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхоновларнинг издоши сифатида Абдулла Авлоний жадид маърифатчилигини янада юқори босқичга кўтариш, илмий педагогикани миллий таълим-тарбия қонуниятлари ва тамошлари билан бойитиш, таълимнинг халқчиллиги ва оммавийлигига эришиш каби масалаларга эътибор қаратганлиги янги Ренессанс педагогикасининг устувор йўналишлари билан ҳамоҳангдир.**

Абдулла Авлоний 1913 йилда нашр эттирилган “Туркий Гулистан ёхуд ахлоқ” асарида “Педагогия”, яъни бола тарбиясининг фани демакдир” деб, педагогика фанига ўзбек зиёлилари орасида биринчи бўлиб, аниқ ва тўғри таъриф берган.

Олимнинг фикрича, тарбия орқали “вужуд қувватланади, фикр нурланади,

**ахлоқ гўзалланади, зеҳн равшанланади”.** Шунинг учун у тарбияни бола туғилган кунидан бошламоқ кераклигини уқтиради. Болага бадан тарбияси, фикр тарбияси, аҳлоқ тарбияси берилиб, уни яхши хулқларга ўргатиб, илмли қилмоқ лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

**Туғуб ташлов ила бўлмас бола, бўлгай бало сизга,**

**Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга,** деб, тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрнини юқори баҳолайди ва ўз асарида тарбиянинг йўллари, метод ва воситаларини ҳам баён этади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, янги Ренессанс педагогикасининг концептуал ғоялари ўз ифодасини топган “**Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси**”ни амалга оширишининг биринчи босқичи ҳам олимнинг қарашлари билан ҳамоҳангдир: оиласларда (икки давр асосида: биринчи давр – ҳомила даври, иккинчи давр – бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган давр).

“Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да тарбияга компетенциявий ёндашув масаласи илгари сурилган. Абдулла Авлоний эса ўз даврида мазкур тушунчани “одат” атамаси орқали қўйидагича талқин қилган: “**Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулқа ҳам одат туфайли эришилади**”.

Ренессанс педагогикасининг устувор йўналиши ҳисобланган маҳалла ва оиласларни тарбиявий имкониятлари тўғрисида ҳам педагог олимнинг қарашлари диққатга сазовордир. Авлоний таъкидлаб ўтганидек, “**Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш тарбия билан бўлур. Қуш уясида кўрганини қилар**”.

Олимнинг valeology (соғлом турмуш тарзи) ҳақидаги қарашлари ҳам мутлақ ҳақиқат бўлиб, ҳеч қандай изоҳ ва таҳлилга эҳтиёж сезмайди: “**Баданинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур**”. Олим ўз фикрини давом эттириб, покликнинг шахс интеллектуал ва

## ПЕДАГОГИКА

эмоционал соҳасига ҳам таъсир кўрсатишига доир аниқ далилларни келтириб ўтади: “**Поклик зеҳну идрокингни кенг ўткур қилур. ...Поклик мусулмонлиғнинг илдизидур**”.

Маълумки, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик ва бепарвонликни йўқотиш ҳамда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш орқали фуқароларда эркин тафаккур юритиш, дахлдорлик туйғуси таркиб топтирилади. Ренессанс педагогикаси учун хос саноген, яъни соғлом фикрлашни ривожлантириш масаласи ҳам олимнинг эътиборидан четда қолмаган. Унинг фикр тарбияси ҳақидаги қарашлари замонавий педагогик-психологик фанларда тафаккурнинг алоҳида тури сифатида эътироф этилаётган саноген ва патоген фикрлашга берилаётган таърифларга ҳар жиҳатдан мос келади:

**“Фикр тарбияси энг керакли, кўп**

**замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур...**

**Фикр агар яхши тарбият топса,  
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур,  
Фикринг ойинаси олурса занг,  
Рӯҳи равшан замир ўлур, бенур”.**

Абдулла Авлонийнинг илм-маърифат ва ахлоқа доир қарашлари жуда чуқур таҳлил ва талқинни талаб этади. Олимнинг педагогик қарашларини яхлит тарзда ўзида акс эттирган ва муҳтарам юртбошимиз ҳар бир мактаб биносида ёзиб қўйилиши шарт эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган қўйидаги ғоя эса, ҳеч қачон ўз залвори ҳамда аҳамиятини йўқотмайди: **“Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё најот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”.**

### Адабиётлар:

1. Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим: (Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари). – Т.: Мовароуннаҳр, 2002.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: «Халқ мероси» 1993.
3. Абу Райхон Беруний. Тарайҳалар (Жавоҳирот китобидан). – Т.: Мерос, 1991.
4. Абдурауф Фитрат. Нажот йўли. – Т.: Маънавият, 2003.
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Чўлпон, 1994.
6. Алишер Навоий. Танланган асарлар. 9-жилд. – Т.: Шарқ, 2010.
7. Ходжаев Б.Х. Модернизациялашган дидактик таъминот воситасида умумтаълим мактаби ўкувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” 2015.